

# АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz

№ 9 (868) • 2012 йил, 2 март, жума

## Ўзбекистон — БМТ: Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик



Ўзбекистон Республикаси  
БМТга аъзо бўлганининг 20 йиллигига

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйишга бел боғлаган жаҳонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга интилаётган энг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. Унинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти бекиёс бўлганлиги боис, дунё миқёсидаги глобал жараёнлар БМТ иштирокида кечади, мураккаб моҳаролар эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ бартараф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг тасаввуримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир".

Давоми 4-бетда ➤



## Оилада улғаяр Ватан

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Оила ва маҳалла, ёш авлод тарбияси ва ижтимоий тараққиёт, ўзликни англаш ва юрт истикболига ишонч — булар бир-бирини тўлдирадиган, бири иккинчиси билан узвий боғланган тўшунчалар. Собiq тузум шарафотида оила муносабатлари ҳукмрон мафкура манфаатларига, сунъий равишда тарғиб қилинаётган сохта "ағона халқ"нинг умумлашган турмуш тарзига мослаштирилди, жамиятнинг бу муҳим ячeyкасига эътибор берилмади. Боз устига, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, аждодаларимиз қолдирган илмий ва маънавий меросдан баҳраманд бўлиш, уларнинг хотираларини улғулаш, қодамжоларини обод қилиш борасида амалга оширилаётган дастлабки қадамлар баъзи "зукко" қузатувчилар томонидан ўтмишга қайтиш, феодал даврларни қўмсаш деб баҳоланди.

"Биз давлатимиз келажагини ўз қобилигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз, — деб ўқидирган эди Президентимиз Ислам Каримов. — Истикболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаёtimизга янада кенг-роқ жорий қилишда кўраимиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва барвон ҳаёт кечириш, ўзаро манфа-

атли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз".

Мамлакатимиз раҳбарининг бу фикрлари мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон миллий маҳдудликка берилмади, маърифий дунёдан узилиб қолмади, аксинча, халқимизнинг кўп асрлик орзу-умидларини рўёбга чиқариш мақсадида дунё ҳамжамияти сари дадил қадам ташлади, дунёнинг турли давлатлари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Давоми 7-бетда ➤

Депутат минбари

## Муштарак, уйғун ва ҳамоҳанг ғоялар мантиғи

Мамлакатимизда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шарафотида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка қатъий эътибор қаратилди. Чунончи, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосий йўналишларидан бири ҳам айнан ижтимоий масалалар билан боғлиқ эканлиги фикримизнинг тасдиғидир. Узққа борманг, давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган мана бу рақамларга эътибор қилинг: «Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициентини 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади».

Давоми 4-бетда ➤

## Ижроия қўмита йиғилиши

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Сиёсий Кенгаши аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.



## Фаолиятнинг танқидий таҳлили келажакдаги ижобий ютуқларга замин яратади

Кун тартибига кўра дастлаб партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари С.Рауповнинг "Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши VI Пленумини чақирдиш тўғрисида"ги ахбороти муҳокама қилинди ҳамда VI Пленумни 2012 йилнинг 24 март санасида ўтказишга қарор қилинди. Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари

Р.Ҳайдаров партиянинг 2011 йилдаги бюджети ижроси ва 2012 йилга мўлжалланган бюджет ҳақида ахборот берар экан, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятини кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганлигини таъкид-

лади. Партия моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, кадрлар потенциалини ривожлантиришда, жойларда партия тузилмалари тадбирларини сон ва мазмун жиҳатдан салмоғини оширишда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар муҳим роль ўйнаётганлигини қайд этди.

Давоми 2-бетда ➤

## Парламентда

## Қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли дастурий маърузаси ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг эркинлик яратишга хизмат қилади. Шунингдек, бизнес ишларига маъмурий ва бюрократик аралашувларни чеklangайди. Бу эса ўз навбатида макроиқтисодий барқарорликни ва

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидландики, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда тайёрлашни жараёнида биринчи ўқиш муҳокамаларида тақдим этилган таклиф ва тавсиялар ишчи гуруҳи томонидан батафсил ўрганилиб чиқилди.

Давоми 2-бетда ➤

## БПТ — мустаҳкам таянч

Бугунги кунда жамиятимизда партиялар ўртасида соғлом рақобат жараёни кечаётган бир пайтда ҳар бир партия дастурий вазифалари доирасида ўз электорати манфаатини кўзлаб кўришда фаолият кўрсатмоқда.

## Куйи бўгинларга эътибор —

партия ишлари самарадорлигини  
оширишда асосий омил

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ҳар бир партия аъзосининг сиёсий онгини шакллантириш ва билимларини мунтазам ошириб бориш ишига бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратган. Партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари томонидан ҳар йили белгиланган

режа асосида партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириб бориш амалий дастурга айланган.

Хусусан, партиянинг Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан партия бошланғич ташкилотлари раислари учун ўтказилган галдаги ўқув машғулотлари айнаан ана шундай мақсадларга қаратилди.

Давоми 3-бетда ➤

## Мустаҳкам оила — барқарор жамият кафолати

— Бугун мамлакатимиз хотин-қизларининг барча соҳаларда эришяётган муваффақиятлари таҳсинга сазовор, — деди Республика Хотин-қизлар Қўмитаси вакили Гулжамола Асқарова. — Аёлларимиздан 13 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга лойиқ топилгани фикримизнинг яққол далилидир. Айниқса, ёш қизларнинг иқтидорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тасвир этилган «Зулфия» номидаги давлат мукофоти, дунё мамлакатларида учрамайдиган юксак эътибор намунаси бўлди.



3-бет

## Олимларимизнинг инновацион кашфиёти

юртимиз қоғоз саноати ривожига хизмат қилади

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда инновация туридаги иқтисодий ташкил этишни муҳим вазифа, деб ҳисоблашни алоҳида қайд этиб ўтган. Бу йўналишни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Шу сабабли ҳам партия инновацион ғояларни илгари суриш ва уни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



6-бет

## SOS болалар маҳалласи:

Келажак инсонпарварликдан бошланади

2011 йили SOS маҳалласидаги оилалар фарзандларидан саккиз нафари шаҳардаги нуфузли касб-ҳунар коллежларига қабул қилинди. 16 ёшли афғон қизи Вафи Белкис ёш кўшнқчилар танловига голиб бўлгани, туркман ўғли Темур Гелдиев доирада куй чалишни, расм чизишни маромига етказиб уддалашини кўриб, беихтиёр ҳавасингиз келади. Демак, SOS маҳалласида ҳамма нарсга таълим-тарбия самарадорлигига, иқтидорларни кашф этишга йўналтирилган.



8-бет



# Назоратдан мақсад — камчилик қидириш эмас,

## аксинча камчиликсиз фаолиятни йўлга қўйиш учун бошқарувда очиқликка, ҳисобдорликка асосланган мунтазам, тизимли иш услубларини таъминлашдан иборат

### Депутатнинг сиёсий позицияси

Бу бежиз эмас. Чунки бошқарувнинг у ёки бу бўғинида йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, ваколатга номуносиб хатти-ҳаракатлар, чуқур ўйланмаган, асосиз қарорлар қабул қилиниши, фуқаро мурожаатларига нисбатан беписандлик ҳолатлари қайта тақорланмаслиги учун аввало, бошқарувда соғлом муҳит ва соғлом назоратга эришиш зарур.

«Адолат» СДП аъзоси, 22-Жарарик сайлов округидан халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Аъзам Исоқов ўз сиёсий позициясини шундай изоҳлади. Унинг депутатлик ваколатига нисбатан бу муносабатини партиянинг шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг барча аъзолари астойдил қўллаб-қувватлади. Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг сессияларида муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бир қаторда, шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириш, янада замонавийлаштириш, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, депутатлик гуруҳининг сай-ҳаракати, изчил назорати тўғрисида шаҳар ободонлаштириш департаменти раҳбар кадрлар таркибига зарур ўзгаришлар амалга оширилгани, соҳада аниқ, тизимли иш жараёни йўлга қўйилгани, бугун ўз натижаларини кўрсатмоқда. Ободонлаштириш департаменти ўз ваколатига оид юмушларни аввалгидек четдан ҳашари-ю ҳомийларни жалб этмаган ҳолда ички имконият, маблағ, керакли техника воситаларига таянган ҳолда амалга оширмоқда. Департамент йилнинг ҳар бир фаслида қайси иш билан, қай тартибда шуғулланиши, фақуллода ҳолатлар учун қандай захираларни яратиш қўйиши олдиндан аниқ белгилаб чиқилган.

Партиянинг депутатлик гуруҳи шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид долзарб масалаларни синчковлик билан ўрганиб доимий комиссиялар ёки сессия муҳокамаларига киритаётганлиги, зарур қарорлар қабул қилинишига эришаётганлигига оид бу каби мисоллар оз эмас. Депутат Хуршид Нуриллаев атроф-муҳит муҳофазаси ва экология масалалар доимий комиссияси раиси сифатида бир йилда 4 та масалани Кенгаш томонидан муҳокама қилинишига, тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижро назоратини йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Қонунийлик, ҳуқуқ-тарғибот ва фуқаролар ҳақсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссия аъзоси, депутат Аъзам Исоқовнинг фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда. Партиямиз вакили депутатлик ваколатига таянган ҳолда Самарқанд шаҳрида иш берувчилар билан ишловчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида жиддий етишмовчиликлар борлигини аниқлади. Хусусан, шаҳардаги юздан ортиқ хусусий корхоналар ва микрофирмаларда меҳнат шартномасиз, демакки, ҳеч қандай қонуний кафолатларсиз ишга қабул қилиш ва исталган пайтда ишдан бўшатилган йўл қўйилаётганлиги ҳар томонлама асосли муҳокамаларга сабаб бўлди.

Депутатнинг ёш оилаларга қонунчиликда кўзда тутилган кафолат ва имтиёзлардан фойдаланишлари борасида Самарқанд шаҳридаги аҳоли ўрганишга қарор қилаётганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Кейинги икки-уч йилда шаҳарда кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қўллаб янги уй-жойлар қурилиб ёш оилаларнинг маълум қисми бу уйларга кўчиб киришлари таъминланди. Лекин нафақа, ижтимоий кредит ва уй-жой таъминоти масаласида қонунда белгиланган кафолат, имтиёзлардан фойдалана олмаётган оилалар бор. Демак, масала депутатлик нозоратига олинган, ижро ҳоқиқияти, банк ва молия идоралари ҳар битта муаммони ёки ҳар бир ёш оиланинг эҳтиёжини аниқ ҳисобга олган ҳолда иш юритишлари таъминланди. Чунки ижронин сўрайдиган депутат ва депутатлик гуруҳи бор!

Бошқарувда очиқликни таъминлашга хизмат қилаётган ҳудди шундай депутатлик нозоратини шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбарининг қонунчиликни, ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлаш мавзусидаги ҳисоботи халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилганидан ҳам билиш мумкин.

— Депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бораётганимиз улар фаолиятини партиясини сиёсий позициясидан келиб чиққан ҳолда зарур йўналишлар билан тўлдиришга хизмат қилаётгани, — дейди «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси Тўрақов Шохимов. — Хусусан, ана шундай мувофиқлаштиришлардан сўнг депутатларимиз — Худойназар Эргашев, Дилафруз Ризаева, Нодира Ражабова ва Нигора Салоҳиддиноваларнинг фаолияти кўпроқ амалий тус олди. Улар корхоналарни модернизациялаш жараёнида

инновацион технологиялардан фойдаланиш, меҳнат жамоаларида даромадларни тақсимлашда ижтимоий адолат меъёрларига амал қилиниши, корхона-коллектив ҳамкорлигини таъминлаш, ННТлар билан ижтимоий шерикликни кенгайтириш масалаларига чуқур эътибор қаратадиган бўлдилар.

Ҳа, «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар Кенгаши ва унинг халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ягона сиёсий платформада туриб ҳаракат қилаётганлиги партиянинг ишларининг сифат ва самарадорлигини оширишда қўл келмоқда. Электронинг манфаат-мақсадларини рўйбга чиқаришга, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида партиясининг нечоғли ҳаётлигини амалда намойён этишга хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида партияларо соғлом рақобат шароити, сиёсий ишчанлик муҳити, депутатлар фаолияти Самарқандда янги ижтимоий ташаббусларни келтириб чиқармоқда. Жамоат транспорти, коммунал хизмат, алоқа-ахборотлаштириш соҳаларидаги муаммоларни манфаатдорлик билан бирин-кетин ҳал этишга имкон яратмоқда. Шаҳар ҳоқими, унинг ўринбосарлари, бўлим ва бошқармалари раҳбарлари у ёки бу соҳадаги ишлар аҳоли хусусида фуқаролар билан бевосита телемулоқотлар ўтказишга таянган ва ҳар гаги савол-жавоблардан сўнг уларни унинг долзарб вазибаларни белгилаб олишаётгани бошқарувда янги муносабатларнинг ифодасидир. Демак, партиянинг ишлар самарадорлиги ижро ҳоқиқияти фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Уни ҳушёрликка, ўз ваколатларига муносиб иш юритишга ундамоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,  
«Адолат» мухбири.



# Мустаҳкам оила — барқарор жамият кафолати

### Аёллар қаноти

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Болалар ва ўсмирлар организмидаги йод танқислиги оқибатида юзга келадиган касалликлар, ақлий ривожланишда орқада қолиш, диққат-эътиборнинг заиф концентрацияси, бўқоқ, ҳомилдор аёлларда бола ташлаш, марказий асоб тизими фаолиятидаги бузилишлар, ақлий ва жисмоний қобилиятнинг пассивлиги каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни шулар жумласидандир.

Аёл — меҳрибон она, саришталли ўқитувачи, суякли рафиқа. Аёл зотига хос бу каби хислатларини яна давом эттириш мумкин, эро, аёллар ҳар қандай замонда оила мустаҳкамлиги, қоннадон фазиси, баракасини таъминлаб, фарзандлар тарбиясида бекиёс ўрин тутиб келганлар. Бугунги давр эса улардан ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етуки, ташаббускор, тadbиркор бўлиши, жамиятнинг барча жабҳаларидаги ислохотларда янада фаол иштирок этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Аёллар қаноти томонидан Миллий Матбуот марказида «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда замонавий аёлнинг этички роли» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига шу ҳақда батафсил сўз юритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, партиясини Сиёсий Кенгаши аъзолари, Хотин-қизлар кўмитаси вакиллари, «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари ҳамда қатор соҳаларда ютуқларга эришиб келаётган фаол аёллар иштирок этган мазкур тadbирда бугунги замон аёллар талаб этиладиган фазилатлар ва жамоат ташкилотларининг аёллар муаммоларини ҳал этишда тутаётган ўрни ва роли атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирдан кўнган мақсад оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, камил инсонни тарбиялаш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, бу борада партиянинг аёллар қаноти олдида турган долзарб вазибалар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини муҳокама этишга қаратилди.

— Истиқлол йилларида жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларида бирига айланди ва бу саволдорлиги дастурида ҳам ўз аксини топган, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Аёллар қаноти Кенгаши раиси Зуҳра Ботирова. — Партиямиз хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Ҳозирги кунга келиб, партиясини аъзоларининг 48,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу мамлакатимиз сиёсий партиясини ўрта-сиёсий энг юқори кўрсаткичдир. Партиямиз учун аёлларни давлат ҳоқимияти, органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга аёллар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир омил бўлиб хизмат қилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг худудий ташкилотлари томонидан «Репродуктив саломатлигини муҳофазат қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият кафолати» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда она ва бола саломатлигини сақлашга қаратилган ҳуқуқий қарорларнинг баҳарлилиги, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалалари муҳокама этилиб, аёлларнинг репродуктив саломатлиги борасидаги муаммолар ечимига оид таклифлар берилди. Шунингдек, «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш», «Жамият тарраққиётида ёшларнинг роли», «Гибҳандлик — аср вабоси», «Мустақиллик йилларида Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва мавқеини ошириш — жамият тарраққиёти гарови», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ёшларнинг асраб-авайлашнинг ҳуқуқий асосини яратиш — соғлом генотип кафолати» каби Аёллар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган тadbирлар юқори савияда ўтди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП Аёллар қаноти Низомида Кенгашининг асосий мақсади сифатида жамият, фуқаролик инсти-

# Муҳим ижтимоий муаммолар

## уларни ечишда ННТлардан ижтимоий шерикликни кучайтириш талаб этилади

### Ижтимоий шериклик

Сурхондарё вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоятдаги минтақавий бўлими, Ўзбекистон Қасба уюмларини федерацияси вилоят бирлшмаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши ҳамкорлигида «Ижтимоий шериклик шакли ва механизмларини ривожлантириш — ННТларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини кучайтиришнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Мавлуда Қобулова, — давлат органлари ижтимоий адолат, барча фуқароларнинг фаровонлиги ва хотиржамлигини, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари мамлакат ижтимоий ҳаётида, давлат ва жамият қурилишининг муҳим вазибалари ечимида фаол иштирок этишга ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда бор имкониятларини ишга солишга даъват этилади.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда ёшлар тарбияси, аҳоли бандлигини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий ҳамкорликка оид катта тажриба тўпланганини таъкидлашди.

нинг 3-моддасида давлат ҳоқимияти органлари, бизнес сектор ва ННТлар ҳақида меъёр мавжуд, аммо ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида сўз юритилмаган, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуров. — Менинг таклифим шундан иборатки, қонун лойиҳасининг 3-моддасига ўзини ўзи бошқариш органлари тўрттинчи субъект сифатида киритилиши лозим.

Тадбир давомида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мукамаллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича таклифлар берилди. Хусусан, ижтимоий шериклик масалаларида ННТ вакилларининг фаоллиги ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни катта ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ечиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилишга жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Маҳаллий экспертлар, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда партиясини вилоят Кенгаши вакиллари иштирок этган анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда нодавлат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлайдиган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган қонунчилик базаси шаклланди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Коцепциясида Президентимиз томонидан таклиф этилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса мазкур соҳанинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда уни қабул қилиш замон талабидир.

— Ижтимоий шериклик таъминининг моҳияти шундаки, — деди Сурхондарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси

номенклатурасини юритиш тартиби», Нукус шаҳар Кенгаши раиси А.Пахратдиновнинг «БПТлар фаолиятида мажлислар бойноналари юритиш тўғрисида» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Фикр-мулоҳаза, мунозаралардан сўнг тadbирнинг асосий иштирокчилари — Нукус шаҳридаги 20 та БПТ раислари гуруҳларга ажратилган ҳолда ўтказилган тadbирларнинг сонига эмас, сифатига кўпроқ эътибор

# Қуйи бўғинларга эътибор —

партия ишлари самарадорлигини оширишда асосий омил

### Давон. Боши 1-бетда

Партиянинг асосий таянчи ҳисобланган БПТлар фаолиятида иш ҳужжатларини юритишнинг белгиланган тартиб-қоидаларини ўргатиш мақсадида ташкил этилган ўқув-машғулотларида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Р.Утарбоевнинг «Партия фаолиятида иш ҳужжатлари йўзма-жидди

қаратиш, ўтказиладиган жой, танланган мавзу, қўзланган мақсад ва қўлаётган натижалар хусусида интерактив шаклда ўзаро беллашишди.

Тадбир сўнггида жамланган ҳулосалар асосида БПТ раислари ва фаолларига тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

Оттабек УМАРОВ.

# Ўзбекистон — БМТ: Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик

Давоми. Боши 1-бетда

БМТ дунёда кечаётган ҳар қандай сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, минтақавий можароларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини олиш, камбағалликка қарши курашиш каби кенг қамровли муаммоларни ҳал этиш йўлида самарали фаолият юритиб келмоқда. БМТ давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлган ягона ва обрўли сиёсий ташкилот ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлиш истаги мустабид шўро тузуми давридаёқ, яъни мустақилликка эришимиздан олдин армонли орзу сифатида халқимизнинг юрагидан жой олган эди. Мухтарам Юртбошимизнинг 1991 йил июнда, яъни юртимиз истиқлолга эришишидан аввал айтган куйидаги сўзлари ушбу фикрнинг яққол тасдиқлайди: "Ўзбекистон келажақда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида БМТга аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу — халқаро қонуларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эрксевар фуқароларнинг истагидир".

Орадан кўп ўтмай бу армонли орзу ушaldi. 1992 йилнинг 2 мартида БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг миллий байроғи ҳилпирлади. Ушбу кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ўша ондан бошлаб БМТ билан ҳамкорлик қилишининг устувор йўналишларини белгиллаб олди. Булар, жумладан, бугунги кундаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиясининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалардир.

Ўтган давр мобайнида республикамиз ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан фаол сиёсий мулоқотни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши орқали мазкур сиёсий мулоқотга тамал тоши қўйилиб, давлатимиз раҳбари илк бор мустақил Ўзбекистон ва унинг имкониятларини халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Шундан бери минтақадан тинчлик ва барқарорликни мустақамлашда Ўзбекистон БМТ билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Президентимиз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари суриб, бу ҳақдаги шартнома 2006 йилнинг сентябрь ойида Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 61 ва 63-сессияларида Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилиги овози билан "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд" Резолюцияси қабул қилинди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, ушбу Шартнома кучга кирди.

Бошқа бир мисол: Ўзбекистон Республикаси Президентини 1995 йилнинг октябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ эмбаргосини жорий қилиш ҳамда ушбу мамлакатга дўст бўлган давлатлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари суриди. Мазкур ташаббус 1999 йилда "Афғонистондаги зидди-



ятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида" ги Тошкент декларациясида ўз аксини топди. Бу декларация афғон заминда тинчлик ўрнатилиши асосий тамойилларини ўз ичига олган бўлиб, "6+2" дея юритилувчи мулоқот гуруҳи иштирокчиларининг нуктаи назарлари ва ёндашувларини бирлаштирувчи муҳим ҳужжатга айланди.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида БМТ билан ҳамкорлик доирасида 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов афғон муаммосини ҳал этиш мақсадида "6+2" мулоқот гуруҳини "6+3" гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифни илгари сурганди. Бу гуруҳга Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бирга, АКШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг кирishi назарда тутилган. Ушбу саммитда ва бошқа олий анжуманларда мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаганини уқтириб, афғон халқига, унинг маданий қадриятларига, хусусан, ислон динига ҳурмат билан қараш, турли этник гуруҳларнинг ўзаро муроаса қилишига ёрдам кўрсатиш, жафокаш афғон заминда қайта тиклаш ва бунёдкорлик ишларига кўмак бериш, бунинг учун ҳамкорликда қорхоналар қуриш лозимлигини тақдор ва тақдор таъкидаб келмоқда.

Ўзбекистоннинг 2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубидаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш борасидаги тadbирлари ҳамда унинг оқилона ва вазмин сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. Бир қатор давлатлар раҳбарлари, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, бир қатор давлатларнинг раҳбарлари Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовга 2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубидаги фожияли воқеалар оқибатида юзага келган вазиятни бартараф этиш борасидаги Ўзбекистоннинг конструктив сазой-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирдилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва БМТнинг экология соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Орол-

буйидаги вазият дегрдадиясининг олдини олиш ва Орол фожияси оқибатларини енгилаштириш бўйича қабул қилинган тезкор чоралар устувор аҳамиятга эга. БМТ Ўзбекистонга ушбу масалани ҳал этиш борасида кўмак беришга тайёр эканлигини амалда намойиш этиб келмоқда.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун шахсан Оролбўйи минтақасига ташриф буюрди. Унинг сўзларига кўра, кўрган манзаралар унда ўнмас таассурот қолдирди. Пан Ги Мун Орол муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш, ушбу экологик фожия оқибатларини бартараф қилиш учун БМТнинг эксперт салоҳияти, молиявий ва бошқа ресурсларини жалб этиш борасидаги барча сазой-ҳаракатларни сафарбар қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган "Оролни кутқариш халқаро жағмағарига БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчилик макомини бериш" тўғрисидаги резолюция БМТ Бош Ассамблеяси 63-сессиясида барча томонидан қўллаб-қувватланган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатлари томонидан Оролни кутқариш халқаро жағмағариси доирасида амалга оширилаётган сазой-ҳаракатларни тўла қўллаб-қувватлади.

Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш сув-энергетика ресурсларидан рационал ва оқилона фойдаланиш масалалари билан бевосита боғлиқ, Трансчегаравий дарёларнинг ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тартибига солувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу масала бўйича БМТнинг 1991 йил 25 февраль, 1992 йил 17 март ва 1997 йил 21 майдаги конвенциялари давлатларнинг "трансчегаравий таъсирга эга бўлган фаолиятни амалга оширишда трансчегаравий дарёларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда, улардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишга" мажбур эканлигини уқтиради.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги ушбу ташкилот доирасида чегараланиб қолмай, балки БМТ оиласига кирувчи қатор ихтисослашган ташкилотлар билан ҳам самарали ҳамкор-

лик тобора чуқурлашиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг болалар жағмағариси (ЮНИСЕФ), БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси (ЕИК), БМТ савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси гуруҳи каби ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Биз учун Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. "Уруш гоёлари инсон онгида пайдо бўлади, шу боис инсон онгида тинчлик гоёларини шакллантириш лозим", — дейилди ЮНЕСКОнинг таъсис Низомида. Ушбу олий мақсаддан келиб чиқиб, мазкур ташкилот дунё мамлакатларида фан, таълим, маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш орқали инсоният тараққиётига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКО ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ёдгорликлар рўйхатида киритилган. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. ЮНЕСКО ташкилоти ҳам мамлакатимиз маданий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестиваллари, буюк ўтмишимиз билан боғлиқ тарихий саналарнинг ЮНЕСКО юбилейлари сифатида кенг нишонланиб келинаётганлиги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва нуфузини янада оширмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг низоми, ёрдамчи ва конвенциявий ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу йўналишда 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар билан бирга олтига асосий битимга қўшилди. Ўзбекистон ушбу ҳужжатлар доирасида ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил равишда бажармоқда ва мазкур соҳада ўзининг мустақил сиёсатини ишлаб чиқди.

БМТнинг 2000 йилда, 189

давлат раҳбарлари иштирок этган олий даражадаги Саммитида Мингйиллик тараққиёт мақсадлари эълон қилинган бўлиб, ушбу мақсадларга эришиш БМТга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг асосий жиҳатлари "Адолат" СДПнинг мақсад ва вазифалари билан ҳамроҳандир. Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг ўзбекистондаги стратегиясидан жой олган барча саккиз йўналиш бизнинг партияимиз сайловли дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Қолаверса, "Адолат" СДП сайловли дастурининг "Ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги" деб номланган бобида "Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш масаласи алоҳида тилга олинган бўлиб, бу борада мамлакатимизнинг икки томонлама ҳамда кўп томонлама ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Республикамизда Мингйиллик тараққиёт мақсадларини амалга оширишда бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ва фаоллигини ошириш, болалар ўлимининг камайтириши, оналар соғлигини яхшилаш, турли юқумли ва хавфли касалликларнинг олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида юқори натижаларга эришилмоқда. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон йиллик давлат бюджети харajatларининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун сарфланаётгани эса алоҳида эътиборга молиқдир.

2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентини БМТ бош қароргоҳи — Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, экспертлари ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан жуда юқас баҳоланди. Чунки ундаги фикрлар ва илгари сурилган гоёлар глобал ва минтақавий миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечимлари билан боғлиқдир.

Юртбошимиз мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир қараб алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон дунёнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммоси бўлиб, 30 йилдан бунён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар қутилган натижани бергани йўқ. Бу эса афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаганини янада яққолроқ кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди. Мана Ингирма Йилдирки, мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан узвий ҳамкорлик қилиб, дунёда ва минтақадан тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг БМТ доирасида глобал ва минтақавий масалаларда кўтариб чиққан ташаббуслари қўллаб-қўйиб сазой-ҳаракатларнинг бошланғичига сабаб бўлибгина қолмай, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

Қодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

# Муштарақ, уйғун ва ҳамоҳанг гоёлар мантиғи

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳолбуки, ТВ кўрсатувларида кўриб, ОАВ саҳифаларида ўқиб, интернет сайтлари орқали хабардор бўлиб турибсиз, бугунги кунда дунё миқёсида қашшоқлик кўлами тобора кенгайиб, фақат кун кўриш учунгина меҳнат қилаётган аҳоли сони ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам мутассил ошиб бораётди. Социологларнинг таъкидлашича, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг юқорилиги, иқтисодий муҳитнинг оғир аҳволда қолаётгани, ижтимоий адолат олиб бораётгани амал қилинмаётгани уларда беқарорликни юза-

яққол кўрсатмоқда. Сўровда қатнашганларнинг 91,6 фоизи бугунги кунда кайфиятларини яхши эканлигини айтган. Шу билан бирга, респондентларнинг 85,2 фоизи ўз ҳаётидан мамнун эканлигини билдирган. Уйлайманки, бу жағваб, бу кўрсаткичлар ҳам мамлакатимизда ижтимоий адолат тамойиллари қарор топиб, аҳоли даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишини олдини олиш сазой-ҳаракатлари ҳосиласидир.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоиз, шахсан Президентимиз Ислон Каримов ва ҳукуматиимиз тутаётган оқил сиёсатни юртимизда фаолият олиб бораётган сиёсий кучлар — сиёсий партиялар ҳам яқдил

**Ўзбекистонда эса мустақиллик йилларида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, инсон манфаатлари устуворлик топиб, кучли ижтимоий сиёсат ўз натижаларини бермоқда. Биргина ўтган — 2011 йилда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори 26,5 фоизга ортди. Солиқ юқини камайтиришга йўналтирилган гамхўрона сиёсат иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларининг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилди.**

га чиқармоқда. Масалан, Буюк Британияда сўнги ўттиз йилда аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ икки баробарга ошди. АКШда эса 300 миң кишининг даромади қолган 150 миллион нафар америкаликларнинг даромадидан анча кўпдир. Бундай ҳолат Жанубий-Шарқий Осиё, Африка, Ҳиндистон сингари ўнлаб мамлакатларда ҳам учраб турибди. Натижада, хусусан, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида мазкур мамлакатларда ишсизлик кун сайин ортиб, давлат томонидан молиялаштириладиган ижтимоий дастурлар тўхтагани, таълим учун тўловларнинг кескин кўтарилаётгани, социал муҳитнинг беқарорлашиб бораётгани ва одамларда эртанги кунга бўлган ишончнинг йўқолаётгани сингари ҳолатлар қузатилмоқда.

Ўзбекистонда эса мустақиллик йилларида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар самараси ўларок, инсон манфаатлари устуворлик топиб, кучли ижтимоий сиёсат ўз натижаларини бермоқда. Биргина ўтган — 2011 йилда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори 26,5 фоизга ортди. Солиқ юқини камайтиришга йўналтирилган гамхўрона сиёсат иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларининг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилди. Солиқ юқи 1991 йил билан солиштирилганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан салкам 2 баробарга камайди, яъни, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушди.

Булар, шубҳасиз, мамлакатимизда истиқлолда ўтган 20 йил давомида мутассил кучли ижтимоий сиёсат олиб боририлган, ислохотлардан бош мақсад — фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш кўзлангани самарасидир. Қолаверса, ҳаётимизда ижтимоий адолат қарор топаётгани, "бой" ва "камбағал" тусунчаларига барҳам берилаётгани натижасидир. Наинки, буларгина аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут ҳам кескин қисқартирилган ва одамлар қалбидан давлатга бўлган ишонч тобора мустақамлашиб бораётгани юри-таётган кучли ижтимоий сиёсатимиз маҳсулидир.

Бу маҳсулни йил бошида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази ўтказган тадқиқот натижаларидан ҳам

қўллаб-қувватлашмоқда. Жумладан, "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиҳатдаги жамиятни шакллантириш жараёнида ўз ролини кучайтиришни мақсад..." қилган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ривожланишининг машҳур беш тамойилига таяниб иш кўрмоқда. Амалга оширилаётган "Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни маъқул ва манзур йўл билан, давлат ижтимоий дастурларини бажаришда "аҳолининг ҳаддан ташқари камбағаллар ва бойларга бўлиб табақаланишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ сазой-ҳаракатларни амалга ошириш"ни асосий вазифа деб ҳисобламоқда. Шунингдек, у, иқтисодий соҳадаги фаолиятда "аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва дарajasини оширишга адолатли йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштириш" гоёси билан майдонга чиққан ва бу гоёни ҳаётга жорий этишга эришишга бел боғлаган сиёсий куч — сиёсий партиядир.

Зеро, тарих ва дунёдаги барча сиёсий партиялар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай партия ўз гоёлари ва вазифалари билан ташаббускор куч сифатида майдонга чиқадиган, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун кураш олиб боради, аҳолининг муайян тоифаси, яъни, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш билан элурт фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшади. Мустақил гоё, мустақил позицияга эга партиянинг рақобатдаги бошқа сиёсий кучлар қарашларидан қатъи назар, энг аввало, халқ олдидаги, электорати олдидаги масъулияти мантиғи ҳам шунда.

Шу нуктаи назарлардан, давлатимиз олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат гоёси билан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси гоёси ҳам муштарақ, уйғун ва ҳамоҳанг дея олаемиз.

Умид ЖУМАНИЕЗОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.



# Давлат архиви-тарих зарварақларига муҳр

## ёхуд унда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тажрибаси хусусида

### Қарор ва ижро

Бугун ижтимоий ҳаётнинг қай бир соҳасини олам, улкан ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, иқтисодиёт, фан, таълим, тиббиёт, спорт, маданият, телекоммуникациялар соҳасидаги муваффақиятларимизни халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этаётгани барчамизни қувонтиради. Жамиятимизда ана шу соҳаларнинг барчасини ўз бағрига олган архив соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар кўпчиликти қизиқтириши, табиий. Архивлар асрлар давомида шаклланиб келган тизим бўлса-да, мустақиллик йиллари соҳада туб бурилиш яслган — давр бўлиб, у тарих зарварақларига муҳрланди.



радилар ва фуқароларга тақдим этадилар.

Фуқароларнинг меҳнат стажини (ишга кирганлик, бўшаганлик, аёллар учун декрет таътили тўғрисида) ҳужжатларни кидириб топишда айрим ҳолларда меҳнат дафтрасини йўқолганлиги ва меҳнат дафтрасидаги ишлаганлик мuddати билан фуқаро сўраётган мuddат мос келмаслиги сектор ходимлари ишини мураккаблаштиради. Бундай ҳолда сектор ходимлари ташкилотнинг барча буйруқ китобларини бирма-бир кўриб чиқишларига тўғри келади.

Шу билан бирга, фуқаронинг оиллик маошини ташкилот ҳужжатларидан кидириб топиш ҳам бирмунча мушкул юмуш ҳисобланади. Бунда фуқаронинг фамилияси, исми-шарифи буйича топиш, тўланган оиллик маош ва ундан ушлаб қолинган барча бадалларни

маълумотномада қайд этиш талаб этилади. Айрим ҳолларда маълумотнома сўраган фуқаро ташкилотнинг бир нечта бўлимларида ишлаган бўлса, таъбел номери ўзгарган бўлса, бу сектор ходимлари ишини мураккаблаштиради.

Олиб борилган кузатувлар натижасига кўра, фуқаронинг беш йиллик давр учун оиллик маоши тўғрисидаги маълумотларни кидириб топиш ва маълумотномасини тайёрлашга ўртача бир соат, ўн йиллик даврга ўртача икки соат, айрим ҳолларда сўраладиган 30 йиллик давр учун эса мос равишда ўртача 5-5,5 соат вақт талаб этилади.

Фуқароларга шу билан бирга, ёзма мурожаатларига асосан, иккинчи жаҳон уруши йилларида Россия, Украина, Белорусь ва Молдовадан эвакуация қилинган фуқаролар ва уларнинг фарзандлари тўғри-

сидаги маълумотномалар ҳам тайёрлаб берилади. Сўралаётган фуқаронинг фамилияси, исми-шарифининг қанчалик тўғри кўрсатилганлиги сўралаётган шахс ҳақидаги маълумотни топишни шунчалик осонлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонунига асосан, фуқаролар бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилишлари ҳам мумкин. Бунда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, тақлиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат сифатида кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш воқолатига қирадиган давлат

органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек, барча даражадаги депутатларга йўланади. Мабодо, мурожаатлар кўтарилган масалаларни ҳал этиш воқолатига қирадиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, у 5 кун мuddатдан кечиктирмай тегишли орган ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқароларга маълум қилинади.

Таъкидлаш жоизки, мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт ҳисобланиб, уни рад этиш тақиқланади. Бироқ унда зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, худди шу мuddатда тегишли тўшунтиришлар билан фуқаронинг ўзига қайтариб юборилади.

Ариза ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ой мuddат ичида ҳал этилиши керак. Ариза ёки шикоят юзасидан махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарурати туғилса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятнинг ҳал этиш мuddатини истисно тариқасида узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги, умуман олганда, мурожаатни кўриб чиқилишининг умумий мuddати икки ойдан ошмаслиги керак.

Мурожаатлар кўриб чиқилиши вақтида давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан фуқароларнинг розилигисиз, уларнинг ҳақсий ҳаётига доир маълумотларнинг ёки давлат сирини ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир

ҳисобланган маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари асосида ҳар йили ўртача 300 дан ортиқ тадқиқотчилар архивнинг "Ўқув зали" да илмий изланишлар олиб борадилар. Улар орасида ўрнатилган тартибда архивларга келиб ҳужжатлардан фойдаланувчи чет эллик фуқаролар ҳам мавжуд.

XXI асрда яшар эканмиз тезкор, аниқ ва ҳолис маълумотларни етказишда энг юксак технологиялар асосида аҳолини керакли ахборот билан таъминлаш давр талаби эканлигини ҳар бир соҳа вакили чўқур ҳис қилиши лозим. Бу борада архивларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тезкор ахборот олиш механизмларини яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди. 2010 йилдан архив сақловида мавжуд бўлган бошқарув ҳужжатларининг электрон каталогларини ва алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишлари йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда архивнинг "Ўқув зали" да "Электрон кутубхона" ташкил этилган бўлиб, унда фойдаланувчиларга ҳужжатнинг электрон нусхасидан фойдаланиш орқали унинг асл ҳолатини жисмонан тўлиқ сақлаш, ҳужжатнинг сақлаш даврини узайтириш ва ортиқча ташқи таъсирлардан ҳимоялашни таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

**Ш. ҒАМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви бўлим мудири,  
**Д. ЯКУБОВА,**  
сектор мудири.

# Олимларимизнинг инновацион кашфиёти

## юртимиз қоғоз саноати ривожига хизмат қилади

### Инновация

Маълумки, юртимизда ўсадиган маҳаллий топинамбур (Ер ноки) ўсимлиги халқ тобобатида бир қанча касалликларга даво шифобахш доривор сифатида қўлланиб келинган. Бугунги кунга келиб топинамбурнинг яна бир муҳим хусусияти — уни саноат миқёсида қўллаш асосида экологик тоза маҳсулот олиш ҳамда катта иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин эканлиги аниқланди.

Мамлакатимиз ёш олимлари томонидан ушбу ўсимликнинг "Файз-Барака" нави асосида қоғоз ишлаб чиқариш учун ягона хомашё саналган целлюлоза олишнинг инновацион технологияси яратилгани илм-фан соҳасида оламшумул янгилик бўлди.

Эндликда Ташкент кимё-технология институтининг Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Музаффар Муродов томонидан яратилган мазкур лойиҳа асосида саноат миқёсида топинамбур ўсимлигидан олинган толали хомашёдан (целлюлоза) "Наманган қоғози" корхонасида ёзув қоғози ишлаб чиқариш йўлига қўйилди ва унинг турли сифат кўрсаткичлари аниқланди.

2006 йил Давлат реестрига киритилган топинамбур ўсимлигининг "Файз-Барака" нави асосида сифатли қоғоз ва кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза олишнинг инновацион технологияси соҳадаги мавжуд технологиялардан афзаллиги, сифат кўрсаткичлари юқорилиги, баргли ва игна баргли дарахтлар асосида олинган сульфатли ва сульфидли целлюлозаларнинг физик-кимёвий ва механик хос-саларидан қолишмаслиги билан ажралиб туради. Яратилган технология ўзининг соддалиги ва сифат кўрсаткичлари

сўнг центрифугада сиқиб олиниш даврида сув иштирокининг йўқлиги, ишқор қуйқасининг 5-7 маротаба ишлатилиши, жараён сўнггида ажралиб чиққан қуйқани кимёвий қайта ишлаш имконининг мавжудлиги унинг чиқиндисиз технология эканлигидан далolat беради.

Қолаверса, дарахтдан целлюлоза олгандан кўра, топинамбурдан олиш бир мунча энгилроқ. Топинамбур пояси дарахтнинг поясига қараганда зич бўлмаганлиги боис қайта ишлаш жараёнида кимёвий моддаларнинг сарфи тежаллади.

Ҳозирда Республикамизда целлюлоза асосан пахта линтидан олинмоқда. Лекин пахта линтининг ишлатилиш соҳаси ниҳоятда кенлиги, қолаверса кимёвий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони асосида Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг сазъ-ҳаракатлари билан 2009 йилнинг охирида қайта тикланган, Марказий Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган "Наманган қоғози" масъулияти чекланган жамиятида асосан ёзув ва офсет қоғозлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган 4-халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация бир-бирига ёш олимларимиз томонидан топинамбур ўсимлиги поёсидан целлюлоза эфирлари ҳамда қоғоз турларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган целлюлоза олиш технологиясига қизиқиш билдирилди ҳамда уни амалиётга жорий этишга киришилди.

Келгуси йилдан бошлаб Республикамизда топинамбур ўсимлигини 300 гектардан зиёд майдонда етиштириш кўзда тутилмоқда. Ўсимлик уруғлари кўпайтирилганидан

лари) ва Лотин Америкаси мамлакатларида бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш технологияси ривожланиб бормоқда. Бироқ бу технологиялар у ёки бу тарзда ёғочдан целлюлоза олиш технологиясини ундаги мавжуд барча камчиликлари билан кўчириб олишдан иборат бўлаёпти.

Аммо шуни эътироф этиш лозимки, Финляндиянинг Chemopolis ва IRM компаниялари буғдой сомони ва қамшини қайта ишлаб, ундан қоғоз ишлаб чиқаришнинг экологик жиҳатдан тоза технологиясини яратишди. Бу технологиянинг ҳозирча лаборатория варианты мавжуд ҳолос.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Республика Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг сазъ-ҳаракатлари билан 2009 йилнинг охирида қайта тикланган, Марказий Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган "Наманган қоғози" масъулияти чекланган жамиятида асосан ёзув ва офсет қоғозлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган 4-халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация бир-бирига ёш олимларимиз томонидан топинамбур ўсимлиги поёсидан целлюлоза эфирлари ҳамда қоғоз турларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган целлюлоза олиш технологиясига қизиқиш билдирилди ҳамда уни амалиётга жорий этишга киришилди.

Келгуси йилдан бошлаб Республикамизда топинамбур ўсимлигини 300 гектардан зиёд майдонда етиштириш кўзда тутилмоқда. Ўсимлик уруғлари кўпайтирилганидан



сўнг ундан кен миқёсда фойдалана бошланади. Айтиш мумкинки, 300 гектар майдонга экилган ўсимлик пояси "Наманган қоғози" корхонасини юз фоизлик целлюлоза билан таъминлашга хизмат қилади.

— Топинамбур ўсимлиги асосида қоғоз ишлаб чиқариш учун ягона хомашё саналган целлюлоза олишнинг инновацион технологияси яратилиши чиндан-да, катта муваффақият, чунки бу Европа мамлакатларининг олимлари билан ушбу технология истиқболлари юзасидан ўзаро таъриба алмашиб қайтди. Ушбу университет доктори Берхард Борхес — "Мен таажубдаман, 1994 йилларда топинамбур ўсимлигини етиштириш борасида Германияда бир қатор ишлар амалга оширилган, бироқ дастлабки босқичларда тўхтаб

Қоғоз ишлаб чиқариш саноатидаги мазкур янгилик мамлакатимизнинг ушбу маҳсулотга бўлган ички талабини қондиришга, Республикамизнинг мазкур соҳадаги мустақиллигини мустаҳкамлашга, қолаверса, рақобатдош маҳсулотлар билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳозирда топинамбур ўсимлиги устида олимларимиз томонидан олиб борилаётган барча тадқиқотларни комплекслаштириш жараёни кетмоқда ва унга Тошкент давлат иқтисодий университетининг корпоративлик қилмоқда. Демак, ушбу ўсимликни бошқа соҳаларда ҳам қўллаш истиқболлари мавжуд.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда инновация туридаги иқтисодий таъкил этишнинг муҳим вазифа, деб ҳисоблашни алоҳида қайд этиб ўтган. Бу йўналишни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Шу сабабли ҳам партия инновацион голярини илгари суриш ва уни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, "Адолат" СДП шифобахш топинамбур ўсимлигини саноатда кен қўллаш ташаббусини илгари сурганди. Тошкент кимё-технология институтининг олимлари томонидан яратилган топинамбур ўсимлигининг "Файз-Барака" нави асосида сифатли қоғоз ва кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза олишнинг инновацион технологияси ушбу ташаббуснинг амалиётдаги ифодаси бўлди.

**Илёс САҲАТОВ,**  
"Adolat" мухбири.

# Оилада улғаяр Ватан

Давоми. Боши 1-бетда

Янги эркин, демократик жамият барпо этиш, янги дунё-қарашга эга бўлган, ҳар томонлама маърифатли авлоднинг тарбиялаш, она-бола саломатлиги тўғрисида гамхўрлик қилиш, таълим-тарбия, тиббиёт ва бошқа соҳаларни жиддий ислоҳ қилиш билан вазифага айланган.

Янги соғлом авлоднинг тарбиялаш балогат ёшига етган йигит-қизларни мустақил турмушга тайёрлашдан бошланади. Оила кураётган ҳар бир ёш ўз ҳаётидаги бу масъулиятни, яъни ота-она бўлиш, насл қолдириш ва уларни тарбиялаш, билимли, одоб-ахлоқли қилиб вояга етказиш, жамиятнинг фаол аъзосига айланган тарбияланган болани тарбиялаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини масъулиятини чуқур ҳис этиши зарур. Бунда шу ёшлар вояга етган оиладаги маънавий муҳит, соғлом турмуш тарзи, ота-онанинг, оила ва маҳалланинг ўзаро муносабатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Катта ҳаёт оstonасида турган, мустақил турмушга тайёрлик кўраётган фарзанд бўлажак оила ва бу ихтиёрли иттифоқдаги ўз ўрнини аниқ тасаввур қилиши керак. "Ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маъна соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама барка-

лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тасдиқланди ва бу борадаги ишларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Булар: бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамият эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва гамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шимам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш; жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва макomini ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда

ларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш; оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан гамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

"Соғлом она — соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизimini янада такомиллаштириш; жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга мувофиқ ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳам-

корлигини таъминлаш. Дастурда белгиланган кенг қўламли ва аниқ мақсадли вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, маҳалла мавқеини кўтариш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она Ватанга садоқат, истиқлол гоёларига муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш, шу билан бирга, жамият ёш аъзоларининг мамлакат ижтимоий-сийсий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирокчини таъминлашга ҳизмат қилиши шубҳасиздир.

Айтиш жоизки, Дастурда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Зеро, мазкур муҳим ҳужжатнинг асосий йўналишидаги мақсадлар партияимизнинг дастурий гоё ва мақсадларига ҳамроҳдир. Шу нуқтаи назардан, Мустаҳкам оила йилида жамият олдида қўйилган вазифалар партияимиз аъзоларини янада фаолроқ, ташаббускор, оилаларнинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлишига ҳизмат қилувчи ҳаётий тақлиф ва ташаббусларни илгари суришни тақозо этади.

Худойёр МАМАТОВ.

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фаоллигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Давлат музейида Мустаҳкам оила йили ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан ўтказилган тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топти. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирга ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган аёллар тақлиф этилди.

# Юрт ҳимоясига шай қизлар

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган тизимли, босқичма-босқич ислохотлар самарасида мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафи миллий кадрлар билан тўлдирilib, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан етук, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди.

Армия сафларида ўз ҳаёти ва фаолиятини, тақдирини Ватан ҳимояси билан чамбарчас боғлаган хотин-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Мамлакатимизда аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга доир эзгу ишлар ҳарбий хотин-қизларнинг ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда биз, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилаларимизни мустаҳкамлаш, уй-жой ва маиший шароитларни яратишда давлатимиз томонидан катта аҳамият қаратилмоқда, — дейди кичик сержант Дилафруз Раҳматова. — Кейинги йилларда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши бир неча баробар ошгани, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани бунинг далилидир. Ватан ҳимоячилари байрами арафасида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланганим қалбимни чексиз гурурга тўлдирди.

Тамара Тожимуродова болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилган. У Нукус алоқа коллежини муваффақиятли тамом-



А.ЕКУБОВ (ЎМА) оlingan сурат.

лаб, ўн бир йилдирки, ҳарбий қисмларнинг бирида алоқачи бўлиб меҳнат қилмоқда. Ҳарбий либоси ўзига ярашган Тамара икки фарзанднинг онаси. — Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов томонидан ҳарбий хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликни ўз фаолиятимиз, шахсий ҳаётимизда ҳис этиб яшаймиз, — дейди Т.Тожимуродова. — Умр йўлдошим ҳам ҳарбий хизматчи. Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар самарасида биз ҳам уй тўйини нишонлаш арафасидамыз.

— Аёл қайси касбни эгалламагани, у энг аввало оқила бека, соғлом ўғил-қизларнинг онаси бўлмоғи шарт, — дей-

ди оддий аскар Чарос Расулова. — Негаки, фарзандларни мардлик ва жасурлик, ватанпарварлик руҳида вояга етказиш кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ. Президентимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан гамхўрлик ва эътибор энг устувор вазифамиз — ёшлар тарбиясига катта масъулият билан ёндашиш, мустақиллигимизни, тинч ва осойишта кунларни асраб-авайлашга, унинг ҳимоясига ҳамма шай туришга даъват этади. Зеро, Ватан, Она каби муқаддас тушунчаларни бир-бирдан айри тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбир иштирокчилари ватанпарварлик, фидойиллик, мардлик рамзига айланган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## Электрон тизим — энг мақбул усул

### Солиқ

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлаш янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатиши янада такомиллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва бошқа ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этилиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда интернет тизими уланган юридик корхона ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун www.soliq.uz сайти хизмат кўрсатмоқда. Тегинли интерактив хизматлардан унумли фойдаланувчи солиқ тўловчилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

Юридик ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган интерактив хизматлар ўзини оқламоқда. Биргина жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатга олинган интерактив хизматдан фойдаланувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49,6 фоизга ошди. Чилонзор туман ДСИга мурожаат қилаётган интерактив хизматлардан тўлиқ фойдаланувчи солиқ тўловчилари сони 80 фоизни ташкил этмоқда. Натияжада солиқ тўловчи ҳисобот топшириш ёки тўловларни ўз вақтида, ортиқча қийинчиликларсиз амалга оширмоқда. Энг муҳими, солиқ тўловчиларга соҳага оид барча янгиликлардан ўз вақтида ва қулай усулда хабардор этилапти.

Н.ГУЛЯМОВ, Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи.

## Соғлом турмуш учун

### Реабилитация

Юртимизда ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва экспертизаси борасида қилинаётган ишлар сифатини янада яхшилаш, унинг самардорлигини ошириш йўлида муайян ишлар қилинмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронлики ва касбий меҳнатга лаёқат йўқлиги даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ногиронлик гуруҳини аниқлашда, ногиронлик мuddати ҳамда, ногиронлик сабабларини белгилашда, шунингдек "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ногиронлик гуруҳини мuddатсиз белгилашда амалий дастур сифатида фойдаланилмоқда.

Урганч шаҳридаги реабилитация марказида ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Бунда даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги, ижара пунктларининг ташкил этилганлиги ногиронларни реабилитация қилишда ижобий натижалар бермоқда.

Жумладан, ўтган йилда 550 нафар ногирон тўлиқ, 307 нафари эса қисман реабилитация қилинди. Бунинг натижасида бирламчи ногиронлик 217 нафарга камайти. Аҳоли ўртасида касалланиш ва ногиронлиқнинг олдини олиш тўғрисида туманлардаги даволаш профилактика муассасаларида семинарлар, маҳалла фуқаролар йиғинларида суҳбатлар уюштирилмоқда.

Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилиб, уларнинг меҳнат воситалари ва протез-ортопедик махсулотларга бўлган эҳтиёжи қондириб келинапти. Жумладан, ўтган йил мобайнида 140 нафар фуқароларга протез-ортопедик махсулотлар учун йўланма берилди ва тўлиқ таъминланди.

Ногиронлиқнинг олдини олиш, улар иш фаолиятини тиклаш йўлида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини янада ривожлантиришга ҳизмат қилаётди.

Гавҳар КАРИМОВА, Шовот туманлараро 99-сонли ТМЭК раиси.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтида ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» танлови эълон қилинди

### Танловнинг асосий шартлари ва талаблари

1. Танлов иштирокчиси — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар
2. Танловнинг мақсади — ёшларнинг ҳуқуқий ва сийсий билимларини бойитиш, улар орасида конституция гоёларини кенг тарғиб қилиш, қонунларни қабул қилиш ва миллий парламентаризм тўғрисидаги батафсил ҳамда ишончли ахборотларни олиш, шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳамда сийсий тафаккурини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиш
3. Танловда қатнашиш қоидалари — Танловда иштирок этишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдирishiлар лозим. Унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исми-шарифи, тутилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш манзили, телефон рақами) кўрсатилади. Танлов иштирокчисининг сўровномаси Қонунчилик палатаси веб-сайтида жойлаштирилади.
4. Танловнинг асосий шартлари — Танловга бериладиган саволлар Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар ҳафтанинг душанба кuni жойлаштирилади. Танлов иштирокчиларининг жавоблари савол эълон қилинган ҳафтанинг жума кuniгача қабул қилинади. Ушбу мuddат давомида танловнинг ҳар бир қатнашчиси саволларга фақат бир марта жавоб бериши мумкин.
5. Танлов саволларининг йўналишлари: — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари; — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти; — Депутатлик бирлашмалари фаолияти (сийсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари сони, уларнинг таркиби ва вазолатлари)
6. Танловни баҳолаш мезонлари — Ҳар бир тўғри жавоб бир балдан баҳоланади. Барча савол ва жавобларнинг вариантлари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилади. Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар жума кuni танлов қатнашчиларининг рейтинг жадвали эълон қилинади, унда қатнашчиларнинг исми-шарифи ва умумий баллари кўрсатилади.
7. Танлов голибларини аниқлаш ва тақдирлаш — Танлов натижаларига кўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб уч нафар голиб аниқланади (тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл — 120 балл). Агар тўпланган баллар ҳисоби тенглашиб қолса, голиблар ўртасида қўшимча тур ўтказилади. Ушбу турдан голиб чиққан иштирокчилар Қонунчилик палатасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Танловда 100 ва ундан ортиқ балл тўплаган иштирокчилар учун Қонунчилик палатасининг биносига саёҳат уюштирилади.
8. Танловни ўтказиш мuddати — 2012 йилнинг 1 мартдан 2012 йил 1 декабргача.

Он-лайн танловнинг бошқа танловлардан фарқли жиҳати шундаки, унда саволлар Қонунчилик палатасининг [www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz) расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Танловда фаол иштирок этинг ва миллий парламентаризмнинг моҳир билимдонига айлан!

Реклама

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !**

## Фаргона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қайта танлов савдоси эълон қилади

Фаргона вилоят 27-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш.

Мuddати — 25.08.2012 йил.  
Бошланғич нархи: — 490 140 480 сўм ҚҚС билан;  
408 450 400 сўм ҚҚСсиз.  
Буюртмачи: "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

Манзил: Фаргона шаҳри Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй, тел.(373) 224-24-33.

Таъмирлаш ишлари; Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100 фоз.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй. Тел/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиш кuni ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй манзилда ўтказилади.

## Сўнгги саҳифа



## SOS болалар маҳалласи:

## Келажак инсонпарварликдан бошланади

## Ижтимоий шериклик

Бир қарашда бу даргоҳнинг бошқа оилалардан фарқи жиҳатлари йўқдек. Рўзгор юртиш, бола тарбияси, мактабда таҳсил олиш, гул ўстириш, меҳмондорчиликка бориш... Ҳаммаси оддий оиланинг қизиқишларига, қувонч-у тошвишларига ўхшаб кетади. Шундай шароитда фарзанд оила қуршовида каму кўстиз вояга етди.

Бирок SOS болалар маҳалласидаги оила аъзолари турли миллат вакиллари эканлиги, уларга "она"лик қилувчи тарбиячилар эса алоҳида танлов асосида ишга қабул қилиниши, коттеж типидagi уйларида барча шарт-шароитлар халқаро ташкилот томонидан ва республика ҳукуматининг ёрдамида амалга оширилганлигини назарда тутадиган бўлсак, ёш авлодга кўрсатилаётган ижтимоий ғамхўрликнинг мазмун-моҳиятини илғаб оламиз.

Ҳа, Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна мавзесидаги SOS болалар маҳалласида бугун 92 нафар ижтимоий ғимояга муҳтож ўғил-қиз 12 оилга бирлашиб, илм-у ҳунарли, меҳроқибатли инсонлар бўлиб вояга етишмоқда. Бошқача айтганда, Австриядаги "Кинодердорф интернейшн" Халқаро ташкилоти томонидан илк бор 63 йил муқаддам асос солинган ва бугун дунёнинг 133 та мамлакатидида фаолият юритаётган мазкур даргоҳ Самарқандда ҳам келажак авлоднинг баркамол улғайиши учун зарур кафолатларни муҳайё этмоқда.

Эътиборлиси шундаки, SOS

болалар маҳалласи Самарқандда нафақат халқаро ташкилотнинг беғараз ёрдами, балки мамлакатимиз ҳукуматининг, республикамиздаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларининг салмоқли кўмагини астойдил хис қилиб келмоқда. Жумладан, коммунал тўловлар, тарбиячиларнинг ойлик иш ҳақи сингари харажатлар тўлиқ давлат томонидан тўланмоқда. "СамАвто" корхонаси эса кичкинтойлар маҳалласига махсус автобус совға қилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эса Самарқанддаги SOS марказига яқинда махсус грант ажратилгани ҳам халқаро мажоратга эга бу тарбия масканига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бу ерда ёшлар ўз истеъодларини намойиш этишлари учун чинакам оила муҳити яратилган, десак хато бўлмас. 2011 йили SOS маҳалласидаги оилалар фарзандларидан саккиз нафари шаҳардаги нуфуз-

ли касб-ҳунар коллежларига қабул қилинди. 16 ёшли афғон қизи Вафи Белкис ёш қўшиқчилар танловида ғолиб бўлгани, туркман ўғли Темур Гелдиев доирада куй чалишни, расм чизишни маромига етказиб удалашини кўриб, беихтиёр ҳавасингиз келади. Демак, SOS маҳалласида ҳамма нарса таълим-тарбия самарадорлигига, иқтидорларни кашф этишга йўналтирилган.

— Болалар маҳалласи маъмурияти Самарқанддаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган, — дейди марказ раҳбари Феруз Эгамбердиев. — Хусусан, "Адолат" СДПнинг Самарқанд шаҳар Кенгаши фаоллари ҳам бу даргоҳга тез-тез ташриф буриб, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда бизга яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Яқинда партия вакиллари ва ННТлар иштирокида ўтказилган "Менинг танловим — наркотикларсиз соғлом турмуш" мавзусидаги давра суҳбати ва унда билдирилган кимматли фикр-мулоҳазалар бунга мисол бўла олади.

Демак, ижтимоий шериклик тарбия жараёнида янги қирра-ларни намойиш этмоқда. Инсоннинг ўзлигини англашга, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи-назар жамиятнинг баркамол инсонлари бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,  
"Adolat" мухбири.

## Анъанавий анжуман

## Маданият янгиликлари

Анъанага кўра, шу йил 5 март куни юртимизда республика Киночилар уйида суратта олинган бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар таҳлилига бағишланган ижодий анжуман бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан республика Киночилар уйида шу кунларда давлат ва нодавлат киностудияларида, «Қорақалпоқфильм» киностудиясида суратта олинган турли мавзу ва

жанрдаги картиналар намойиши бўлиб ўтаётган.

Улар орасида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратта олинган «Мустақиллик арафасида» (ёхуд «Шўроларнинг сўнгги талвасаси»), «Бахт уйи», «Кўрғошин», «Афғон», «Анданган аёл», «Жасур», «Умид», «Учар от», «Муқаддас бурч», «Езсиз йил», «Ҳақиқат куни», «Эшжон бахши», «Қайсар» каби бадиий

фильмлар, 50 га яқин ҳужжатли асарлар ва болаларнинг сеvimли мультфильмлари бор.

Намойиш этилаётган ҳужжатли фильмлар орасидан давлат ва нодавлат студияларида яратилган турли мавзудаги 50 га яқин картиналар ҳам ўрин олган. Картиналар намойиши 3 мартга давом этади.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА.

## Ўзбекистон "Адолат" СДП —

ҳаётий қарашларимга ҳамоҳанг фаол сиёсий куч, — дейди ёш мураббий Абдулхамит Мирзаев

## Адолат мезони

Юртимизда спортни ривожлантиришнинг ўзига хос инфратузилмаси шаклланди. Дунёнинг кўплаб қитъаларида бўлиб ўтаётган турли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган спортчиларимизнинг жисмоний, техник ва руҳий тайёргарлиги юксалиб бораётганлиги халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатимиз шарафини муносиб ғимоя қилаётган спортчилар талайгина. Ана шундай серқирра, изланувчан ва ўзига талабчан паҳлавонларимиздан бири, белбоғли кураш бўйича бир неча бор Ўзбекистон, Жаҳон чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар совриндори Абдулхамит Мирзаевдир.

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган чемпион спортнинг Белбоғли кураш тури билан етти ёшидан бошлаб шуғулланди. Ўз устида тинмай меҳнат қилиб, устози, халқаро тоифадаги спорт устаси Ихтиёр Эгамовдан спортнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. Бир неча мартаба республика биринчилиги совриндори, Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Универсиада — 2004" спорт мусобақасида олтин, 2005-2009 йилларда кетма-кет халқаро мусобақалар ғолиби, 2009 йилда Осиё чемпиони ҳамда шу йилда Жаҳон чемпионатида кумуш медал соҳиби бўлди.

Таъкидлаш жоиз, қаҳраонимиз Республика спартакиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, Термиз давлат университетининг "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият" факультетида даъволаб ҳам бакалавр, сўнгра магистратура бўлимига имтиёзли равишда қабул қилинган. Кувонарлиси, 2009 йилда жаҳон чемпионатида кумуш медали кўлга киритиб, Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига стажёрлик қотиши (изланувчи) сифатида яна имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Ҳозир шу институтда "Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари-

да "Белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий педагогика асослари" мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Спорт бу — беллашув. Бунда асосан, жисмоний ва руҳий тайёргарлик ўта муҳим. Шу боис, ёш полвон ўз устида ишлашни бир зум бўлса, да, тўхтатмай келмоқда. Эътиборли жиҳати, ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзининг бир қатор шогирдларига эга.

У ўқишдан бўш пайтларида Юнусобод туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида мураббийлик ҳам қилмоқда. Ўзининг элликдан ортиқ издошларига мураббийларидан ўрганган белбоғли кураш сир-асрорларини, қолаверса, рақибдан устун келиш учун тинмай меҳнат қилишни, уларни ҳалоллик, адолатлилик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, мақсад сари фақат олға интилишга ўргатиб келаётган.

Дарвоқе, ёш мураббий Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси ҳамдир.

— Спортда ҳалоллик, адолатлилик доимо асосий мезон бўлиши керак, — дейди у. — Азалдан ота-боболаримиз ҳалол курашиб келган, ғиромлик уят ҳисобланган. Шўр-қий, спортда ўз ўрнини эга бўлдим. Кўп бора ғалаба нашидасини туйиш насиб этди. Ватанимиз — Ўзбекистонда биз спортчиларга яратиб берилган барча шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилаёلمан. Спорт туйайли бир қатор давлатларга бордим. Спортчи муваффақиятга ўз кучи, иродаси ва меҳнати туйайли эришиши, ғалабаси татийди, бошини баланд кўтариб юради. Бугун фахр билан айтишимиз мумкинки, нафақат спорт соҳасида, балки, ҳаётимизнинг ҳар бир жиҳасида бошимиз-



Нурбек АБДУСАЛИЛОВ,  
"Adolat" мухбири.

## Энг баланд телеминора

Токио шаҳрида дунёдаги энг баланд телеминора барпо этилди. "Токио скай три" деб номланувчи мазкур телеминоранинг баландлиги 634 метрни ташкил қилади. "Токионинг осмонўпар дарахти" аллақачон Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Бинода мобил телефонлардан ва интернет хизматидан фойдаланиш учун рақамли теле сигнал кўлланилади. Унда савдо маркази ва стадион ҳам мавжуд.

Шунингдек, телеминорага чиққан сайёҳлар шаҳарнинг бетакрор тароватидан баҳраманд бўлиши мумкин.



## «Porsche» қайтариб ола бошлади



Германиянинг "Porsche" автокомпанияси ўзининг юз мингдан зиёд "Cayenne", "Cayenne S Hybrid" ва "Cayenne Turbo" русумли автомобилларини қайтариб ола бошлади. Боиси уларда техник носозлик аниқланган. Маълумотларга кўра, ёритиш тизимларида нуқсонли бўлган

бу каби машиналар тормоз бериш жараёнида ёки тезликни оширганда ағдарилиб кетиши мумкин.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, нуқсонли автомобиллар туйайли компаниянинг энг харидоригр автоуловларидан бири саналган "Cayenne"нинг савдоси қисқаради.

Тошкент туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Шерзод Мақсудовга 2005 йил берилган № 0204312 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Шухрат Мақсудовга 2004 йилда берилган № 1708299 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг навбатдаги сони 6 март чоршанба куни чиқади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси  
Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати қуйидаги ускуналарни сотиб олиш учун тендер эълон қилади:

1. Мини-АТС — 50 та абонентга
2. Сервер — 50 та компьютерга

Тендерда қатнашиш учун ариза ва тижорат таклифи жорий йилнинг 23 март кунига қадар Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Новза кўчаси, 14-уй манзилига юборилиши керак.

Маълумот учун телефон: 245-77-12  
shuhrat-t@mail.ru, shuhrat.t@gmail.com

## ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ  
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕЛОВА,  
Исмоил САЙФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,  
Светлана ОРТИҚОВА, Илфот МИРЗО, Мамазир  
ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,  
Муҳаммад АЛИ, Муқаррамхон АЗИМОВА, Рашид  
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алтиер МҶМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан  
чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 0018 рақам билан рўйхатга олинган.

НАШР  
КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2013-5817

Таҳрирнинг маъноси: 100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
adolat\_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри  
Булок Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ—300. Ҳажми — 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3. Адади — 10612.  
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.20

1 2 3 5

